



ТУРДОШ ХУҚУҚЛАР

Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган
филиали доценти, юридик фанлар номзоди
xgulnora@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7340492>

Аннотация: Мақолада турдош ҳуқуқларнинг вужудга келиши, таркиби ва тартибга солиш предмети, объектлари субъектлари таҳлил қилинган ва таърифи берилган бўлиб, турдош ҳуқуқлар соҳасидаги миллий қонунчилик нормалари шарҳланган, турдош ҳуқуқларнинг тушунчаси очиқ берилган.

Калит сўз ва иборалар: ҳуқуқий муносабатлар, объект, субъект, турдош ҳуқуқлар, муаллифлик ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, эргашма ҳуқуқ, халқаро нормалар.

Аннотация: В статье анализируются и определяются создание, структура и предмет смежных прав, субъекты их объектов, интерпретируются нормы национального законодательства в сфере смежных прав, раскрывается понятие смежных прав.

Ключевые слова: правоотношения, объект, субъект, смежные права, авторское право, права человека, косвенное право, международные нормы.

Annotation: The article analyzes and defines the creation, structure and subject of related rights, the subjects of their objects, interprets the norms of national legislation in the field of related rights, reveals the concept of related rights.

Key words and expressions: legal relations, object, subject, related rights, copyright, human rights, indirect law, international norms.

Турдош ҳуқуқлар деганда - яратилган асарларни ижро этиш, ёзиб олиш, нусха кўпайтириш, эфир ёки сим орқали узатиш ва бошқача усулда такрорлаш (қайта ишлаб чиқариш, фойдаланиш)да юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунилади. Турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқининг таркибий қисми, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳуқуқ тизимининг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Турдош ҳуқуқлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар орқали вужудга келади ва тартибга солинади. Ана шу муносабатлар муаллифлар билан жисмоний шахс бўлган субъектлар (ижрочилар, артистлар, актёрлар, директёрлар, пантомимочилар ва бошқалар) ва юридик шахс бўлган субъектлар (теле-радио ташкилотлари, кабел орқали кўрсатувчи ва эшиттирувчилар, ижрони ёзиб олувчилар, фонограмма ишлаб



чиқарувчилари ва бошқалар) ўртасида юзага келади. Муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши учун ҳам худди муаллифларга ўхшаб қонунчиликда турдош ҳуқуқлар субъектлари учун ҳам бир қатор ҳуқуқлар белгиланган. Бу ҳуқуқлар ўзининг таъсир кучига кўра муаллифлар ҳуқуқларидан устун эмас, балки улар иккиламчи бўлиб, муаллифлик ҳуқуқининг ҳуқуқий доираси ҳудудида бўлади.

Турдош ҳуқуқлар тўғрисида ҳуқуқий фанларда ҳанузгача аниқ таъриф берилган эмас. Бунинг сабаблари:

- турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқининг таркибий қисми эканлиги ва ягона қонунчилик билан бирга ҳаракатда бўлиши;
- муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилмаганлиги;
- республикамизнинг ҳанузгача турдош ҳуқуқларга оид бирорта ҳам халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо бўлиб кирмаганлиги;
- турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқаришга қаратилган миллий институтларнинг мавжуд эмаслиги;
- турдош ҳуқуқлар субъектлари ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари;
- турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланувчи мутахассис кадрларнинг йўқлиги ҳанузгача турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиатини ўрганишга ҳалақат бераётган омиллардан ҳисобланади.

Назаримизда турдош ҳуқуқларни кенгроқ тушуниш учун халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш лозим. Агарда турдош ҳуқуқлар субъектларининг вазифаси ва фаолият йўналишига асосланадиган бўлсак, турдош ҳуқуқлар ҳам инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан ҳимояланадиган ҳуқуқ соҳаси эканлигига амин бўлиш мумкин. Чунки, турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳам инсониятнинг тараққиёт йўлида хизмат қиладилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасида ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқий лаёқати тан олиншига ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Шундай экан, турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳам ўзларига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликларни ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширишлари мумкин. Турдош ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари концепциясида мавжуд ва у яхлит бир тизимда ҳаракатда бўлади. Буни инсон ҳуқуқларининг вазифасидан ҳам билиб олиш мумкин. "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, бизга ўз истеъдодимиз, ақл, виждонимиздан мукамал суратда фойдаланиб, ўзимизнинг барча



маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имконият беради”.

Турдош ҳуқуқларга тушунча беришда бир қатор халқаро ташкилотлар Уставлари ва ҳужжатлари, амалда ҳаракатда бўлган халқаро шартномаларга асосланиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Уставининг 2-моддасида “интеллектуал фаолиятнинг барча соҳаларида ишловчи шахсларнинг халқаро алмашинуви борасида халқлар ҳамкорлигини рағбатлантириш, ...нашрлар, санъат асарлари ва бошқа фойдали ҳужжатларнинг алмашинувига ёрдам бериши” мустаҳкамланган. Турдош ҳуқуқлар асосан муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган ва икки ҳуқуқ соҳаси ҳам қўлланишда деярли бир қонунга мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунида муаллифлик ҳуқуқи билан турдош ҳуқуқларга тегишли қоидалар кетма-кет жойлаштирилган. Турдош ҳуқуқларни тушунишда аввало муаллифлик ҳуқуқи қоидалари ва принциплари таърифланиши ҳамда таҳлил қилиниши лозим. Агарда муаллиф асар яратса, турдош ҳуқуқлар субъекти бўлган жисмоний шахс- актёр, артист, директёр ва бошқалар бу асарни ижро этади ёки уни бошқача усулларда такрорлайди, яъни эфир орқали узатади ёки ёзиб олади.

Турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқига нисбатан иккиламчи ҳуқуқ ёки такрорланадиган ҳуқуқ дейиш мумкин. Агарда муаллиф ёки асар бўлмаса, турдош ҳуқуқлар субъекти ҳам бўлмайди ва турдош ҳуқуқлар ҳам юзага келмайди. Шунинг учун айтиш мумкинки, турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқига эргашиб юради.

Турдош ҳуқуқлар-бу ўрнатилган қонунчилик доирасида муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясига дахл қилмайдиган, уни турли кўринишларда рўёбга чиқарадиган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан асарларни ижрога қаратиш ёки такрорлаш натижасида юзага келадиган янги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ ва эркинликлар тизимидир.

Хулоса қилиб айтганда, турдош ҳуқуқлар интеллектуал мулк ҳуқуқининг ажралмас мустақил қисми ҳисобланиб, у муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Турдош ҳуқуқлар асарлардан фойдаланиш ёки уларни қайта ишлаб чиқариш ёхуд такрорлаш натижасида янги объектларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Объектлардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган



муносабатларда қонунчиликда белгилангандек турли субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар) иштирок этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2022 (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Uzbekistan, 2017).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.:Адолат, 2021 (Civil Code of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Adolat, 2021). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси “Lex.uz” расмий сайти, 2021 йил (Law of the Republic of Uzbekistan "On Copyright and Related Rights". National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan Official site "Lex.uz", 2021).
3. Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар. -Т.: 1997. -Б.17 (Human rights: questions and answers. - Т.: 1997.-p.17).
4. Б.Тошев. Муаллифлик ҳуқуқи. -Т.: Ҳуқуқий маърифат тарғибот Марказий кичик матбба корхонаси,2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.:Адолат, 2021 (Civil Code of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Adolat, 2021). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси “Lex.uz” расмий сайти, 2021 йил (Law of the Republic of Uzbekistan "On Copyright and Related Rights". National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan Official site "Lex.uz", 2021).
6. Худайбердиева, Г. А. (2021, October). Турдош ҳуқуқлар субъектлари мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. in international journal of conference series on education and social sciences (online) (vol. 1, no. 1).
7. Gulnora, K. (2022). Copyright application to certain audiovisual works. web of scientist: international scientific research journal, 3(9), 498-503.
8. Gulnora, K. (2022, March). Features of management of authors'property rights on a collective basis. in conference zone (pp. 100-104).
9. Зиядуллаев, М. (2021). Сильная социальная защита требование времени. Общество и инновации, 2(5), 64-68.
10. Sobitxonov Joxongir Zunnurxon o'g'li. (2022). The necessity of developing the regulatory legal fundamentals of the islamic banking system in the republic of uzbekistan. e conference zone, 188-190. retrieved from <http://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/935>.
11. Raxmatillayev, J.,&Yusupjonova, M. (2022). Shanxay Hamkorlik tashkiloti uchrashuvi natijalari. Eurasian Journal of Academic Research, 2(11), 66-69.